



## ЎҚУВ ФАОЛИЯТИ МОТИВАЦИЯСИНИНГ МАНБАЛАРИ ВА ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ.

**Xolturayev Asaqrjon Panjiyevich**

Termiz davlat Pedagogika instituti, Psixologiya kafedراسи o'qtuvchisi  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8157820>

Бугунги кунда ҳар қандай ўқув жараёни муваффақиятли бўлиши учун мотивация бўлиши керак. Ҳозирги вақтда олимлар таъкидлаганидек, таълим жараёни иштирокчиларини рағбатлантириш муаммоси долзарб бўлиб қолмоқда. Бу масала шйувчиларни ўқув жараёнининг асосий иштирокчилари сифатида тайёрлаш учун мотивация билан боғлиқ бўлган муаммодир.

Ўқувчиларнинг мотивацияси - бу уларни билимга ундаш жараёнлари, усуллари ва воситалари, фаолияти, таълим мазмунини фаол ривожлантириш. Муаллифларнинг фикрича, мотивлар ҳиссиётлар ва интилишлар, қизиқишлар ва эҳтиёжлар, идеаллар ва муносабатлар тўпламида ҳаракат қилиши мумкин.


Ўқув фаолияти мотивацияси ҳаракатлантирувчи куч бўлиб, юқори синф ўқувчиларини билим, кўникма ва малакаларни фаол ўзлаштиришга йўналтирувчи жараёндир. Ўқув фаолияти мотивациясининг манбалари мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

1. Ички манбалар. Улар инсоний туғма ёки орттирилган эҳтиёжлари билан белгиланади. Орттирилган эҳтиёжлар фаолликка ундайди ҳамда гностик ва ижтимоий ижобий эҳтиёжлар ҳисобланади.

2. Ташқи манбалар. Улар шахснинг ижтимоий шарт-шароитлари билан белгиланади. Турли хил таълимий вазиятлар ва жамиятни шахсдан талаб қиладиган доимий хулқ-атвори билдиради.

3. Шахсий манбалар. Шахснинг қадриятлари системаси установкалари ғояларидир. Бу манбалар ҳар бир шахс фаолиятида у ёки бу даражада мавжуд. Уларнинг барчаси фаолиятга таъсир этиб таълим жараёнининг мотивациясини ташкил этади. Шахснинг ички қониқиши, ўзини тан олиш, муваффақиятларга эришиши билан намоён бўлади.

Ўсмир ўқувчиларда натижага эришиш шаклланишига таъсир қилувчи психологик омиллар ва уларнинг индивидуал ўзига хослигини психодиагностик жиҳатдан ўрганиш масаласи бугунги замонавий психология олдида турган энг муҳим вазифалардан бири саналади. Шу жиҳатдан ўсмир ўқувчиларнинг натижага эришишини тадқиқ қилиш ўзига хос аҳамият касб этади.





Ҳозирга қадар, ўсмир ўқувчиларда натижага эришишнинг шаклланганлик даражасини психодиагностик жиҳатдан баҳолаш ва текшириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилган. Бироқ, маҳаллий тадқиқотларда бу борада айтарлича ишлар амалга оширилмаган. Қолаверса, айнан ўсмир ёшдаги ўқувчиларнинг натижага эришишини тадқиқ этувчи психодиагностик усуллар ва психокоррекцион дастурлар тизимлаштириш ишларга зарурат сезмоқда. Ўсмир ўсмир ўқувчиларда натижага эришиш шаклланишининг психологик жиҳатдан ўрганиш ишларида, мутахассислар қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олишни зарурлиги таъкидлашадилар:

- ахлоқий сифатларнинг ривожланганлиги;
- ҳиссий барқарорлик даражаси;
- мустақил қарор қабул қилиш кўникмалари;
- функционал тайёргарлиги ҳамда жисмоний ҳолати ва ҳоказо.

Ўсмир ўқувчиларда натижага эришишга таъсир қилувчи психологик омилларни комплекс даражада янада тизимлироқ ўрганиш учун турли вилоятлардаги умумий ўрта мактабларда таҳсил олувчи ўсмир ўқувчиларнинг натижага эришиш даражаси ва унинг ижтимоий-психологик хусусиятларини ўрганиш давомида уларнинг умумий ўртача қийматлари билан биргаликда ўтказилган сўровномалар бўйича корреляцион таҳлил усули ҳам қўлланилган.

Ўсмир ўқувчиларда натижага эришишга таъсир кўрсатувчи психологик омилларни корреляцион анализ ёрдамида текшириш учун Элдерс томонидан ишлаб чиқилган “Муваффақиятга эришиш ва муваффақиятсизликдан қочиш” сўровномаси, Гербачевскийнинг “Интилиш даражаси” тести, Чумакованинг “Шахс иродавий сифатларини аниқлаш” сўровномаси ва Р.Б.Кетталнинг “Шахсни 16 омил ёрдамида ўрганиш” каби сўровномалардан фойдаланилди.

Таълим-тарбия жараёнидаги ва меҳнат фаолиятидаги ташаббускорлик-шахс хоҳиш иродасига биноан зарур хатти-харакатларни амалга ошириш ўқувидир. Мустақил билим олиш ва фикрлашдаги меҳнат фаолиятлари қатъиятлилик-шахс томонидан жиддий ва пухта мулоҳаза юритиб қарор қабул қилиш, уни изчил равишда ҳаётга татбиқ этиш хислатидир. Тиришқоқлик шахс қийинчиликларни енгиш учун курашишда куч-қувватини асло пасайтирмасдан, узлуксиз ва узоқ муддат мақсадга эришиш учун интилиш кўникмасидир. Мотивларни онгли равишда ёки онгсиз танлаш






бу ҳақиқий эҳтиёжлар, шунингдек вазиятга хос бўлган имкониятлар ва чеклашлар билан белгиланадиган фаолият йўналишини танлашдир. Вазият муайян сабабларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиши ёки тўсқинлик қилмаслиги мумкин.

Натижага эришишнинг асосий жиҳатлари шундаки, юқори синф ўсмир ўқувчилардаги интилиш даражаси, шахс иродавий сифатлари, шахснинг кўп омилли хусусиятлари ва муваффақиятсизликдан қочиш мотивацияси билан боғлиқ муносабатлар факторли анализ ва ўсмир ўқувчиларнинг натижага эришишини белгилаб берувчи асосий хусусиятларни ажратиб берувчи таҳлилий мезонлари орқали текширилганда уларнинг натижалари ўртачадан юқори даражадаги факторларга бирикганлиги, уларнинг келгуси фаолиятида асосий психологик хусусиятларни ташкил қилиши ва натижага эришишни ривожлантирувчи психологик омиллар сифатида намоён бўлиши аниқланди.

Ўсмир ўқувчилар ўқув фаолиятида натижага эришишнинг психологик хусусиятлари бўйича сўровномалардан олинган факторли анализ шунки кўрсатдики, ўсмир ўқувчиларда натижага эришишни ўзаро уйғун равишда ривожлантириш учун улардаги асосий психологик шкалалар бир-бири билан боғланганлиги яъни ҳиссий барқарор-беқарор, ҳукмронликка интилиш-тобелик, ижтимоий етуқлик-онглилик, дадиллик-тортинчоқлик, ўзига ишонч-ишонмаслик, ўзини назорат қилиш-таъсирчанлик, ички мотив, мусобақалашув мотиви, иродавий қувват, ўз имкониятларини баҳоси ва муваффақиятга эришиш каби психологик факторлар юқори даражада аҳамиятли бирликларни намоён қилганлигини кўриш мумкин.

#### **Адабиётлар:**

1. Anvarovna A. S. CONSTRUCTIONS (MODELS) OF SOCIAL INTELLIGENCE IN FUTURE ENGLISH LANGUAGE TEACHERS //Horizon: Journal of Humanity and Artificial Intelligence. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 169-172.
2. Ataxo'jayeva S. A. et al. INGLIZ TILINI O'RGATISHDA LOYIXA ISHINI TASHKIL QILISHNING AFZALLIKLARI //Science and Education. – 2020. – Т. 1. – №. 1. – С. 403-406.
3. Ataxo'jayeva S. EMPIRICAL FOUNDATIONS OF THE STUDY ENGLISH LANGUAGE TEACHERS //GULDU AXBOROTNOMASI. – 2023.
4. Avlaev, O. (2023). SOME CONSIDERATIONS ON SOCIAL INTELLIGENCE. Science and innovation, 2(B3), 99-102.
5. Baxtiyarovna S. D. B. D. et al. KASB TA'LIM METODIKASINING ZAMONAVIY METODLARI //Scientific Impulse. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 417-420.





6. Norkobilovna J. S. et al. Cultural and Historical Prerequisites for the Development of the Innovative Potential of the Subject of Creativity //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 2982-2986.
7. Qurbonaliyon G'aybullo o'g Z. et al. MALAKAVIY PEDAGOGIK AMALIYOTNI TASHKIL ETISH VA O'TKAZISH //Scienceweb academic papers collection. – 2021.
8. Sulliyeva S. X. BIOKIMYO VA MOLEKULAR BIOLOGIYA (2-QISM. MOLEKULAR BIOLOGIYA) //Scienceweb academic papers collection. – 2022.
9. Sulliyeva S. X. et al. BIOLOGIK TA'LIMNING ROLI //Журнал естественных наук. – 2021. – Т. 1. – №. 1.
10. Umirovich A. O. et al. VIEWS OF THINKERS ON ISSUES OF FAMILY AND FAMILY RELATIONS //Horizon: Journal of Humanity and Artificial Intelligence. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 508-511.
11. Буриев Х. Ч. САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА КЎПАЙТИРИШ УСУЛЛАРИ ФАНИНИ ЎҚИТИШ УСЛУБИЁТИ //Scienceweb academic papers collection. – 2022.
12. Джураева С. Н., Дустова Д. С. Способы воспитания личных качеств у студентов педагогической специальности //Academy. – 2019. – №. 6 (45). – С. 96-98.
13. Жураев М. Н., Омонов Б. Ш., Кенжаев С. Н. Формирование моделей управления объемами перевозок в соответствии с потребностями потребителей //Universum: технические науки. – 2021. – №. 5-2 (86). – С. 87-92.
14. Коротаяева Е. В. Основы педагогики взаимодействий: теория и практика. – 2013.
15. Суллиева С. Х. и др. МЕТОДОЛОГИЯ ПЛАНИРОВАНИЯ КЛАССИЧЕСКОЙ РАБОТЫ //Экономика и социум. – 2020. – №. 1 (68). – С. 774-776.

